
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сайловчилар билан учрашмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлудахон Ходжаеванинг сайлов округидаги шу кунлардаги илк учрашуви Ўзбекистон тумани "Шодлик" МФЙ ҳудудида жойлашган 31-мактабда ташкилланди.

Дастлаб мактаб ўқувчилари билан учрашиб, Президентимизнинг мактаб ўқувчиларига сифатли таълим-тарбия олишлари учун яратиб бераётган шарт-шароитлари, қабул қилаётган қарор ва фармонларига тўхталиб ўтди.

Ташкилланган учрашувда депутат "Шодлик" МФЙда яшовчи сайловчилари билан учрашиб Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатномасидаги белгилаб берилган устивор йўналишлар бўйича батафсил маълумотлар берилди.

Қонунчиликдаги ишлаб чиқилаётган энг сўнги қонунлар ва Президентимизнинг қабул қилаётган қарор ва фармонлари тўғрисида тушунчалар берилди.

Депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳудудларда давом этмоқда.





2023-02-24 23:00:20